



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021-yil "22" fevral

Қ-102 -сон

Termiz sh.

Олтинсой тумани Х.Номозов массивида фаолият юритаётган “Йўлчи Усанов” чорвачиликга ихтисослашган фермер хўжалигига “250 бош чорва мол сақлашга ҳамда гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган замонавий чорва комплекси” қуриш учун рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 05 январдаги 05-02/10-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 04 январдаги 01-сон хулосаси, Олтинсой тумани ҳокимининг 2020 йил 21 октябрдаги 01-05/216-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Олтинсой тумани Х.Номозов массивида фаолият юритаётган “Йўлчи Усанов” чорвачиликга ихтисослашган фермер хўжалигига тегишли қишлоқ хўжалиги харитасининг 21-дала контуридаги 0,60 гектар яйлов ер майдонида “250 бош чорва мол сақлашга ҳамда гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган замонавий чорва комплекси” қуриш учун рухсат берилсин.

2. “Йўлчи Усанов” чорвачиликга ихтисослашган фермер хўжалиги 0,60 гектар яйлов ер майдонига “250 бош чорва мол сақлашга ҳамда гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган замонавий чорва комплекси” қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 7 560 108 (етти миллион беш юз олти миш минг бир юз саккиз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб

рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га рухсат берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов